9.3 Китоб ёдгорликларининг рўйхатга олинган коллекциялари ва фондлари маданий меросни қўриқлаш органларининг махсус руҳсатномасиз қайта тузилмаслиги ва йўқ қилинмаслиги керак.

9.3.1 Фонд эгаларининг таклифига кўра, давлат томонидан сақлаш тизимида китоб ёдгорликларини илмий асосланган қайта таксимлашга руҳсат этилади.

9.3.2 Китоб ёдгорликларини долзарблигининг йўқолиши (маънавий эскириши), шунингдек материалларнинг табиий эскириши оқибатида жисмоний эскириши сабабли фонд сақланадиган жойлардан чиқариб ташлашга рухсат этилмайди.

9.3.3 Китоб ёдгорликлари фондларидаги уларнинг кўчирилиши, янги китоблар келиб тушиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ ўзгаришлар муассасалар-фонд эгаларининг ички ҳисобга олиш ҳужжатларида ҳужжат асосида ва китоб ёдгорликларини давлат томонидан марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимида қайд этилади.

9.4 Китоб ёдгорликларининг бутлиги — ГОСТ 7.50га мувофиқ.

9.5 Китоб ёдгорликларининг давлат томонидан сақлаишнинг ташкил этиш қуйидаги учта даражага эга:

- давлат (федерал),
- ҳудудий,
- маҳаллий (муниципал).

9.5.1 Давлат (федерал) даражасида жaxon ва давлат аҳамиятига эга бўлган китоб ёдгорликлари тўпламини тузиш ва сақлаш таъминланади.

9.5.2 Ҳудудий даражада ҳудудий аҳамиятга эга бўлган китоб ёдгорликларининг тўплами тузилади ва сақланади.

9.5.3 Маҳаллий даражада маҳаллий аҳамиятга эга бўлган китоб ёдгорликларининг тўлиқ тўпламлари яратилади ва сақланади.

9.6 Ҳудудий ва маҳаллий фонд сақланадиган жойларнинг ихтисослаштирилиши жaxon ва давлат (федерал) аҳамиятига эга бўлган китоб ёдгорликларини комплекслаш ва сақлашга тўсик бўлмайди.

9.7 Барча даражадаги китоб ёдгорликларининг сақлаишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши МДХга аъзо давлатлар ҳукуматлари ва тегишли даражалардаги субъектларнинг маданият бошқаруви органлари таъминлайдилар.

## 10 Китоб ёдгорликларидан фойдаланиш

10.1 Китоб ёдгорликларидан фойдаланишда асл нусхадан фойдаланиш қулайлигидан бутлиқ устуворлиги асосий принциплар ҳисобланади.

10.2 Китоб ёдгорликларидан фойдаланишнинг умумий қоидаларни қуйидагиларни назарда тутати:

— манбаларни фақат илмий-тадқиқот мақсадида, бошқа ҳолларда маҳсус руҳсатнома бўйича тақдим этиш;

— китоб ёдгорликларидан фойдаланишнинг ҳар томонлама назоратини таъминловчи ихтисослаштирилган ўқув залларининг мавжудлиги;

— кутубхона ходимларининг касбий тайёргарлигининг ушбу тонфадаги нашрлардан фойдаланувчилар даражасига мослиги.

10.3 Китоб ёдгорликларининг муассасалар-фонд эгалари ушбу тонфадаги нашрлар тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни қуйидагилар орқали таъминлайдилар:

— анъанавий ва электрон каталог ҳамда картотекалар тизими;

— маълумот-библиографик нашрлар;

— кўргазмага қўйиш;

— кўп марта қўлайтириш учун нусхалар яратиш (ксерокопиялар, микрофиша, факсимиле, электрон нусхалар ва ш.к.) ва улардан фойдаланиш.

10.4 Китоб ёдгорликларини мамлакат ташқарисида кўргазмага қўйиш, ёдгорликларини кўргазмага қабул қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобига мажбурий равишда суғурталаш шарти билан амалга оширилади. Суғурталаш суммаси эксперт томонидан баҳолаш асосида белгиланади.

10.5 Китоб ёдгорликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тижоратга оид фаолият МДҲга аъзо давлатларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

УЎТ 002.2 (083.7):006.354

СДТ 01.140.20

Т62

---

Асосий сўзлар: китоб ёдгорликлари, китоб ёдгорликлари турлари, китоб ёдгорликлари таърифи, китоб ёдгорликлари тоифалари, китоб ёдгорликларини аниқлаш мезонлари ва белгилари, китоб ёдгорликларини ҳисобга олиш, китоб ёдгорликларининг давлат томонидан сақлалиши, китоб ёдгорликларидан фойдаланиш

---



ГОСТ ИСО 8601-2001

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### САНАЛАР ВА ВАҚТНИНГ КЎРСАТИЛИШИ

Умумий талаблар

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
бўйича давлатлараро кенгаш

Минск

450

## Сўз боши

1 Бутун Россия илмий ва техник ахборот институти ва «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ДТК 191 Стандартлаштириш бўйича Давлатлараро техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИКИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2001 йил 2 ноябрдаги 20-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлатлар номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдава Республикаси	Молдавастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикистандарт
Туркменистон	«Туркменстандартилар» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Украина Республикаси	Украина Давстандарти

3 Ушбу стандарт ИСО 8601—2001 «Элементы данных и форматы для обмена информацией. Обмен информацией. Представление дат и времени» халқаро стандартнинг тўлиқ ўхшаш матнини ўз ичига олади.

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология бўйича Давлат кўмитасининг 2002 йил 30 январдаги 39-сон қарори билан ГОСТ ИСО 8601—2001 давлатлараро стандарти бевосита Россия Федерациясининг Давлат стандарти сифатида 2001 йил 1 июлдан амалга киритилган.

5 ГОСТ 7 64 - 90 ЎРНИГА

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### САНАЛАР ВА ВАҚТНИНГ КЎРСАТИЛИШИ

Умумий талаблар

System of standards on information, librarianship and publishing.  
Representation of dates and times. General requirements

---

Жорий этиш санаси 2002-07-01

#### 1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт автоматлаштирилган тизимлардаги илмий-техник ҳужжатларда саналарни ва кун вақтларини сонли (рақамли) кўрсатишга қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Ушбу стандарт билан белгиланган талаблар саналарни электрон кўринишда тақдим этиш учун мўлжалланган илмий-техник ахборотнинг автоматлаштирилган тизимларига татбиқ қилинади.

Сана ва вақтнинг бир хил форматини олиш учун ва кўрсатишнинг катъий (бир хил) бўлмаслигига йўл қўймаслик мақсадида, рақамли символлардан ташқари, айрим ҳарфли, бошқа график символлар ҳамда уларнинг бирикмасидан фойдаланиш зарур. қ ў ғ х

Ушбу стандартнинг талаблари григориян тақвимиининг иситалган санасини ва кун вақтини кўрсатиш учун мўлжалланган.

#### 2 Таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилади:

2.1 тўлик кўрсатиш: Сана ва кун вақтининг барча элементларини ичига оладиган кўрсатиш.

2.2 сана: Сана элементларининг қандайдир комбинацияси билан аниқланадиган тақвим кун; тақвим йили, тақвим ойи, тақвим ҳафтаси, тақвим кунни ёки йил кунни.

2.3 дунё вақти: Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси ҳақида халқаро Ер айланмиш хизмати томонидан тасдиқланган вақт шкаласи. У стандарт частоталарига ва вақт сигналларига мувофиқлаштирилган бўлинишнинг асоси ҳисобланади.

2.4 тақвим санаси: Жорий йилнинг тақвим ойи ичида тартиб рақами билан белгиланган тақвим йил кунни.

2.5 тартиб рақамли сана: Жорий йил ичида тартиб рақами билан белгиланадиган тақвим йил кунни.

2.6 кун: 24 соатни ташкил этадиган вақт даври.

2.7 такрорланадиган вақт даври: Бир хил давомийликка эга вақт давриларининг кетма-кетлиги.

2.8 тўлик кўрсатиш: Сана ва вақтнинг барча элементларини ўз ичига олувчи, тақвим йили тўртта рақам орқали тақдим этилган кўрсатиш.

2.9 ўнли кўрсатиш: Энг қуйи тартибдаги ифодалаш компонентиға ўнли улушни кўшиш йўли билан кенгайтириш ва кўрсатиш.

2.10 кенгайтирилган кўрсатиш: 0000 дан 9999 гача бўлган доирадан ташқаридаги тақвим йилларда саналарни идентификация қилиш мақсадида кенгайтирилган тарзда кўрсатиш.

2.11 қискартирилган кўрсатиш: Санани элементларни чапдан тушириб қолдириб кўрсатиш.

2.12 кичик аниқлик билан кўрсатиш: Санани қискартирилган элементлар билан ўнг томондан кўрсатиш.

2.13 секунд: Халқаро бирликлар тизимида вақтни ўлчагининг асосий бирлиги.

2.14 қўшимча секунд: Олдиндан мўлжаллаб киритиладиган вақт ўлчови бўлиб, бир секунддан Ернинг айланмишига асосланган вақт шкаласи таҳминан мос тушиши учун Дулё вақтини тартибга солиш мақсадида фойдаланилади. Қўшилган секунд мусбат қўшимча секунд, чиқариб ташланган секунд эса, манфий қўшимча секунд дейилади.

Изоҳ — Мусбат қўшимча секунд соат 23:59:59 билан 24:00:00 ўртасига қўшилади ва 23:59:60 каби кўрсатилиши мумкин.

Манфий қўшимча секунд соат 23:59:59 дан олиб ташлаш орқали ҳосил қилинади. Қўшимча ёки олиб ташлаш тўғрисидаги қарор Халқаро ер айла-

нинг хизмати томонидан қабул қилинади. Зарур бўлганда, бу нарса 30 июнда ёки 31 декабрда, 31 мартда ёки 30 сентябрда қўлланилади.

2.15 вақт нуқтаси: Вақт ичидаги лаҳза ўлчамсиз ҳисобланади. Вақт нуқталари, уларнинг позицияларини (полинчи нуқтадан вақтдаги улар жойлашган «масофани») йўналтирилган ҳаволалар тизими вақтида аниқлан орқали белгиланади.

2.16 ҳафта: Етти кундан иборат вақт даври.

2.17 тақвим ҳафтаси: Тақвим йил ичига етти кундан иборат вақт даври. Ҳафта душанбадан бошланади ва ўзининг йилдаги тартиб рақами билан идентификация қилинади. Жорий йилнинг биринчи пайшанбасини ўз ичига оладиган биринчи ҳафта йилнинг биринчи тақвим ҳафтаси ҳисобланади. Григориан тақвимида — бу 4 январни ичига оладиган ҳафтадир.

Изоҳ — Тақвим ҳафтаси ҳафта деб аталади.

2.18 давр: Вақт давомийлиги.

2.19 асосий формат: Талаб қилинадиган аниқлик учун зарур бўладиган компонентларнинг энг кам миқдорини ўз ичига оладиган кўрсатиш формати.

2.20 кенгайтирилган формат: Қўшимча ажраткичларни ўз ичига оладиган асосий форматни кенгайтириш.

2.21 григориан тақвими: Умумфойдаланишда бўлган тақвим, 1582 йилида жорий қилинган.

Изоҳ — Григориан тақвимиининг киритилиши юлиан тақвимидаги поаниқликларнинг бекор қилинишини ўз ичига олади. Григориан тақвимида тақвим йил оддий йил ёки кабиса йил бўлиши мумкин. Ҳар бир йил 12 ойга бўлинган.

2.22 соат: 60 минутдан иборат вақт даври.

2.23 маҳаллий вақт: Берилган миғтақадаги вақтни ҳисоблаш тизимидаги вақт қиймати.

Изоҳ — Ҳар бир миғтақада маҳаллий вақт билан «Дунё вақти» ўртасидаги фарқни, ушбу масалалар ҳал этилиши юзасидан жавобгар маъмурилар белгилайдди.

2.24 минут: 60 секунддан иборат вақт даври.

2.25 ой: 28, 29, 30 ёки 31 кундан иборат вақт даври.

2.26 тақвим ойи: Тақвим йили, ҳар бири маълум номга ва катъий белгиланган кунлар сонига эга бўлган 12 та кетма-кет даврга бўлиш натижасида олинган вақт даври.

Изоҳлар

1 — Григориан тақвимида тақвим йил ойлари ўзига хос номга эга бўлган ва катъий белгиланган кунлар сонини ўз ичига олган ҳолда, куйидаги кетма-

кетликда жойлашган: январь — 31, февраль олдий йилда — 28, кабиса йилда — 29, март — 31, апрель — 30, май — 31, июнь — 30, июль — 31, август — 31, сентябрь — 30, октябрь — 31, ноябрь — 30, декабрь — 31.

2 — Таквим ойн ой деб аталади.

2.27 вақт даври (вақт оралиғи): Иккита вақт нуктаси орасидаги вақт кетма-кетлиги. Бу вақт нукталари тегишича «бошланш» ва «туғаш» нукталари дейлади. Вақт даври вақт нукталар орасида, битта вақт нуктаси ва нукталар орасидаги вақт масофаси ёки фақат ушбу нукталар орасидаги вақт масофаси орқали белгиланади.

2.28 йил: Давомийлиги таквим йилга тенг бўлган вақт даври.

2.29 таквим йили: Таквим бўйича, 1 январь 0 соат 00 минут 00 секунддан бошланадиган, ернинг куёп атрофида бир марта айланиб чиқиши учун талаб қилинадиган циклик вақт даври.

2.30 аср (григорян таквимида): 01 йилдан бошланадиган, рақам юзга қаррали бўлган таквим йил. Ҳар бир аср тартиб рақамига эга, 1-аср 0001 йилдан бошланади.

2.31 олдий йил: Григориан тақвими бўйича 365 кундан иборат бўлган йил.

2.32 кабиса йил: Григориан тақвими бўйича 366 кундан иборат бўлган йил.

2.33 такрорланадиган вақт даври: Бир хил давомийликка эга бўлган кетма-кет вақт даврларининг серияси. Такрорланадиган вақт даврлари битта вақт даврини ва такрорланишлар сонини кўрсатиш орқали аниқланади.

2.34 давомийлик: Вақт миқдори («узунлиги»). Давомийлик — бу халқаро бирликлар тизими (SI)нинг вақт бирликларида ифодаланган физик бирликдир.

2.35 таквим минг йиллик: 01 дан бошлаб, 1000 таквим йилни ўз ичига оладиган вақт даври. Ҳар бир минг йиллик тартиб рақамга эга, 1-минг йиллик (0001 йилдан 1000 йилгача қўшиб ҳисоблаганда). Учинчи минг йиллик 2001 йилдан 3000 йилгача қўшиб ҳисоблаганда давом этади.

### 3 Сана ва вақтнинг умумий кўрсатилиши, уларнинг комбинациялари

Сана ва вақтни кўрсатиш компонентларини камайтириш тартиби чапдан ўнгга қуйидаги ифодаларда қўлланилади:  
вақтдаги лаҳза;

факат саналар;  
факат вақт;  
вақт даврлари;  
такрорланадиган вақт давлари;  
тоқоридаги санаб ўтилганларнинг ҳар қандай қисқарттиришларида.

### 3.1 Вақт бирликлари

Вақт давомийлиги секунлда, минутда, соатда, кунда, ҳафтада, ойда, йилда ифодаланishi мумкин;

секунд — вақтни ўлчашнинг базавий бирлиги;

минут — давомийлиги 60 секунд бўлган вақт бирлиги;

соат — давомийлиги 60 минут бўлган вақт бирлиги;

кун — давомийлиги 24 соат бўлган вақт бирлиги;

ҳафта — давомийлиги 7 кун бўлган вақт бирлиги;

ой — давомийлиги 28, 29, 30 ёки 31 кун бўлган вақт бирлиги;

йил — ернинг куёш атрофида бир марта айланишининг тахминан давомийлигига мўлжалланган, 12 ойдан иборат вақт бирлиги.

### 3.2 Григориан тақвими

3.2.1 Григориан тақвимдан тақвим қушларни идентификация қилишда фойдаланилади.

3.2.2 Биринчи тақвим йили 1875 рақами билан белгилашган.

3.2.3 Григориан тақвимида оддий йилнинг давомийлиги 365 кун, кабиса йилнинг давомийлиги 366 кун. Кабиса йил кунларнинг сонига кўра, 4 га қаррали. Аср йиллари, агар уларнинг рақами 400 га қаррали бўлса, кабиса йиллар ҳисобланади.

3.2.4 Григориан тақвими тақвим йилининг рақамини григориан тақвими қабул қилинганга қадар ва у қабул қилингандан сўнг аниқлаш имконини беради.

3.2.5 Григориан тақвими 1582 йилда қабул қилишганидан олдин келадиган саналарни ахборот тизимида ҳамкорларнинг келишувига кўра олиб борилади.

Изоҳ — Григориан тақвимида 0000 тақвим йили кабиса йил ҳисобланади.

3.2.6 Григориан тақвимида ҳар бир йил кетма-кет келадиган 12 ойга бўлинган (1-жадвал).

## Тақвим ойлари

Тақвим ой рақами	Тақвим ойнинг номи	Ойдаги кунлар сони	Куннинг оддий йилдаги тартиб санаси	Куннинг кабиса йилдаги тартиб санаси
01	Январь	31	01-31	01-31
02	Февраль	28 (кабиса йил-29)	32-59	32-60
03	Март	31	60-90	61-91
04	Апрель	30	91-120	92-121
05	Май	31	121-151	122-152
06	Июнь	30	152-181	153-182
07	Июль	31	182-212	183-213
08	Август	31	213-243	214-144
09	Сентябрь	30	244-273	245-274
10	Октябрь	31	274-304	275-305
11	Ноябрь	30	305-334	306-335
12	Декабрь	31	335-365	336-366

## 3.3 Тақвим ҳафтаси

3.3.1 Ҳар бир тақвим ҳафта етти тақвим кундан иборат (2-жадвал).

## Тақвим кунлари

Куннинг ҳафтадаги тартиб рақами	Тақвим кунининг номи
01	Душанба
02	Сешанба
03	Чоршанба
04	Пайшанба
05	Жума
06	Шанба
07	Якшанба

3.3.2 Ҳафта тақвимининг санок нуқтаси бўлиб, 2000 йил 1 январь, шанба белгиланган.



3.3.3 Таквим йилда таквим сана тартиб рақамига эга бўлади. Жорий йилнинг биринчи пайшанбасини ўз ичига оладиган ҳафта биринчи таквим ҳафта ҳисобланади.

Келгуси йилнинг биринчи таквим ҳафтасида олдин келадиган ҳафта таквим йилнинг охириги таквим ҳафтаси ҳисобланади.

3.3.4 Бир таквим йили 52 ёки 53 таквим ҳафтани ўз ичига олади.

3.3.5 Йилнинг биринчи таквим ҳафтаси олдинги таквим йилнинг уч кунини ўз ичига оlishи мумкин. Таквим йилнинг охириги таквим ҳафтаси ўз ичига келгуси йилнинг уч кунини олиши мумкин.

3.3.6 Таквим йилнинг ҳафта саналари билан кўрсатилган вақт даври шу йилнинг таквим саналари ёки тартиб саналари билан кўрсатилган вақт даврига тўғри келмайди.

3.3.7 4 январь санасини ўз ичига оладиган ҳафта биринчи таквим ҳафта ҳисобланади.

#### 3.4 Саналар

3.4.1 Ҳар бир таквим кунини таквим сана, тартиб санаси ва ҳафта санаси билан аниқланиши мумкин.

3.4.2 Таквим санаси таквим кунини унинг

таквим йилига;

таквим ойига;

таквим ой ичидаги тартиб рақамига қараб аниқлайди.

3.4.3 Тартиб санаси таквим кунини унинг

таквим йилига;

таквим йил ичидаги тартиб рақамига қараб аниқлайди.

3.4.4 Ҳафта санаси таквим кунини унинг

таквим ҳафтани ўз ичига оладиган таквим йилга;

шу йил ичидаги таквим ҳафта рақамига;

унинг таквим ҳафтаси ичидаги тартиб рақамига қараб аниқлайди.

#### 3.5 Ажраткичлар

3.5.1 Сана, вақт ёки даврни аниқ кўрсатиш, кўрсатиш структурасини қатъий идентификация қилиши керак. Сана ва кун вақти кўрсатилишини фарқлаш учун ажраткичлардан фойдаланиш зарур.

3.5.2 Саналар ва кун вақтини кўрсатиш элементлари бир-бирининг кетидан, бўш жой қолдирмай жойлаштирилади. Зарур бўлганда, ажраткичлар сифатида куйидаги символлардан фойдаланиш мумкин:

— (тире) — «йил» ва «ой», «йил» ва «ҳафта», «йил» ва «кун», «ой» ва «кун», «ҳафта» ва «кун» элементларини ажратиш, шунингдек, тушириб қолдирган элементларни белгилаш учун;

: (икки нукта) — кун вақти элементлари («соат», «минут», «минут» ва «секунд»)ни ажратниш учун;

/ (эгри чизик) — вақт даврини кўрсатишда ажратниш учун;

# (рақам белгиси) — такрорланадиган вақт даврини, вақт давларини кўрсатишда ва такрорланадиган омилини тақвим этишда ажратниш учун.

### 3.6 Камайтирилган аниқлик билан кўрсатиш

3.6.1 Ҳамкорларнинг ўзаро келишувига кўра, ахборот алмашишида саналарни камайтирилган аниқлик билан кўрсатишга йўл қўйилади, бунда улар мавжуд деб тахмин қилинади.

Изоҳ — Ушбу талаб минг йиллик муаммосини кўрсатишда бажарилиши зарур.

## 4 Саналар ва вақтни кўрсатиш

### 4.1 Саналар ва вақтни кўрсатиш:

йил, ой ва ой кунни кўрсатилган тақвим санасини;

йил ва йилдаги кун рақами кўрсатилган тартиб санасини;

йил, йилдаги ҳафта рақами ва ҳафта кунни рақами кўрсатилган тартиб санасини;

24 соатли вақт тизими бўйича ҳисобланадиган, соат, минут ва секундларда ифодаланган кун вақтини;

пояс ва Дунё вақти фарқини;

тақвим санаси ва кун вақтининг биргадەкда белгиланишини;

вақт даврини аниқлайди.

4.2 Ҳар бир сана ва вақт элементлари бир қаторда араб рақамлари билан келтирилиши керак.

4.3 Ушбу стандартда сана ва кун вақти элементларида қуйидаги символлар қўлланилади:

Y — ўн йиллик ва йилни кўрсатиш учун;

M — ойни кўрсатиш учун;

D — кунни кўрсатиш учун;

w — ҳафта тартиб рақамини кўрсатиш учун;

h — соатни кўрсатиш учун;

m — “минут” вақт компонентини кўрсатиш учун;

s — секундни кўрсатиш учун;

p — битта ёки бир нечта рақамдан иборат бўлган ҳар қандай бутун мусбат сон;

± (плюс минус) — мусбат ва манфий кийматларни кўрсатиш учун;

+ (плюс) — кейинги элемент билан қўшилганда мусбат киймат кўрсатиллиши керак бўлганда қўлланилади;

— (минус) — кейинги элемент билан қўшилганда манфий киймат кўрсатиллиши керак бўлганда қўлланилади.

Изох — Рақамни кўрсатувчи символлардан исталганининг тагига чизилган бўлса, бу тегишли вақт элементида ноль ёки ундан ортиқ рақам бирлигини билдиради. Белгилар миқдори алмашилши бўйича ҳамкорлар томонидан белгиланади.

#### 4.4 Кўрсаткич сифатида фойдаланиладиган белгилар

Сана, кун вақти ва вақт даврини кўрсатишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

R — вақт даври, вақт даврининг берилган давомийлигини кўрсатувчи элементлардан олдин келади;

R — такрорланадиган вақт даври битта вақт даврининг берилган давомийлигини кўрсатадиган маълумотлар элементида олдин келадиган кўрсаткич сифатида фойдаланиладиган ёки «сана давомийлиги» элементи бўлмаганда умумий ифодалан;

T — қуйидагиларни кўрсатишнинг бошланиши учун мўлжалланган вақт кўрсаткичи сифатида фойдаланилади:

маҳаллий вақтни кўрсатишнинг бошланиши ёки кун вақтини кўрсатиш учун;

кун вақтини, сана ва кун вақтини комбинация қилинган кўрсатиш оркали кўрсатиш бошланишида;

давомийликни кўрсатишда кун вақти бирликлари, соат, минут, секундни кўрсатиш;

W — йилдаги тақвим ҳафтанинг тартиб рақамини кўрсатадиган маълумотлар элементи олдида ҳафта индикатори сифатида фойдаланилади;

Z — Дунё вақти вақт зонаси кўрсаткичи сифатида фойдаланилади, бўш жой қолдирмай, кун вақтини Дунё вақтига мувофиқ равишда ифодалайдиган маълумотлар элементида кейин келади.

#### 4.5 Таквим санаси

Таквим саналарни ифодалашда ой куни (таквим куни) иккита рақам билан кўрсатилади.

Ҳар бир ойнинг биринчи куни 01 рақамлари билан кўрсатилади. Шу ойнинг кейинги куллари охири борадиган тартибда рақамланади.

Ой иккита рақам билан кўрсатилади. Январь 01 рақамлари билан кўрсатилади. Кейинги ойлар охири борадиган тартибда рақамланади.

Йил одатда тўртта рақам билан кўрсатилади. Йиллар ошиб борадиган тартибда, григориян тақвимига мувофиқ, 0000 дан 9999гача бўлган чегарада рақамланади.

Изоҳ — 0000 ва 1582 орасидаги қийматдан факат ахборот алманнинг бўйича ҳамкорларнинг ўзаро келишувига кўра фойдаланиш керак.

## 5 Тақвим ва тартиб саналарни, кун вақтини ҳамда вақт даърларини кўрсатиш

### 5.1 Таквим санасини кўрсатиш

5.1.1 Таквим санасининг тўлиқ кўрсатилиши қуйидаги кетма-кетликда ёзилади:

йил — тўртта рақам билан;

ой — 01 дан 12 гача бўлган рақамлар билан;

ой куни — 01 дан 31 гача, шккита рақам билан.

5.1.2 Таквим санаси қисқартирилган ва (ёки) камайтирилган аниқлик билан кўрсатилиши мумкин.

5.1.3 Таквим санасини кўрсатишнинг барча турлари 3-жадвалда келтирилган форматларга мос келиши керак (мисол сифатида 2000 йил 14 декабрь санаси келтирилган).

3-жадвал

### Таквим санасини кўрсатиш

Асосий формат	Кенгайтирилган формат
<b>Тўлиқ кўрсатиш</b>	
YYYYMMDD 20001214	YYYY — MM — DD 2000 — 12 — 14
<b>Камайтирилган аниқлик билан кўрсатиш</b>	
1 Маълум бир ой YYYY-MM 2000 — 12	Қўлланилмайди
2 Маълум бир йил YYYY 2000	Қўлланилмайди

Асосий формат	Кенгайтирилган формат
3 Маълум бир юз йиллик YY 20	Қўлланилмайди -
<b>Қискартирилган кўрсаткич</b>	
1 Кўриб чиқиладиган юз йилликдаги маълум бир сана YYMMDD 001214	YY — MM — DD 00 — 12 — 14
2 Кўриб чиқиладиган юз йилликдаги маълум бир сана — YYMM — 0012	- YY — MM - 00 — 12
3 Кўриб чиқиладиган юз йилликдаги маълум бир йил — YY — 00	Қўлланилмайди -
4 Ойнинг маълум бир куни — — MMDD — — 1214	- — MM — DD - — 12 — 14
5 Маълум бир ой — — MM — — 12	Қўлланилмайди -
6 Маълум бир кун — — — DD — — — 14	Қўлланилмайди -

## 5.2 Таквим санасини кенгайтирилган кўрсатиш

Томонларнинг келишувига кўра, ахборот алмаштиришда кенгайтирилган кўрсатишдан фойдаланилади (йилнинг вақт элементи иккита белгига кенгайтирилади), бунда асосий формат қуйидагича кўрсатилади.

## 5.2.1 Маълум бир сана билан

Асосий формат: ±YYYYYMMDD

Мисол: +0020001214

Кенгайтирилган формат: ±YYYYYMM-DD

Мисол: +002000 — 12 — 14

## 5.2.2 Маълум бир ой билан

Асосий формат: ±YYYYYMM

Мисол: +002000 — 12

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

## 5.2.3 Маълум бир ой билан

Асосий формат: ±YYYYY

Мисол: +002000

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

## 5.2.4 Маълум бир юз йиллик билан

Асосий формат: ±YYY

Мисол: +0019

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

## 5.3 Тартиб санасини кўрсатиш

Тартиб саналарини кўрсатишда йил куни учта рақам билан кўрсатишган: исталган йилнинг биринчи куни 001 каби кўрсатилади, кейинги кунлар охири борадиган тартибда рақамланади (А плова).

## 5.3.1 Тўлиқ кўрсатиш

тартиб санасини тўлиқ кўрсатишга эҳтиёж аниқ белгиланган бўлса, у ҳолда тартиб санаси рақамли ифодаланишнинг бири кўринишида кўрсатилади, бу ерда

YYYY — таквим йилни кўрсатади;

DDD — йил ичидаги куннинг тартиб рақами;

Асосий формат: YYYYDDD

Мисол: 2000349

Кенгайтирилган формат: YYYY — DDD

Мисол: 2000 — 349

## 5.3.2 Камгайтирилган аниқлик билан кўрсатиш

5.3.2.1 Жорий юз йилликда маълум бир йил ва кун қуйидаги форматда кўрсатилади.

Асосий формат: YYDDD

Мисол: 00349

Кенгайтирилган формат: YY-DDD

Мисол: 00 — 349

5.3.2.2 Фақат тартиб кўчиши кўрсатиш

Асосий формат: DDD

Мисол: -349

Кенгайтирилган формат: қўлланмамайди.

5.3.3 Кенгайтирилган кўрсатиш

Томонларнинг келишувига кўра, кенгайтирилган кўрсатишдан фойдаланилади, бунда асосий форматларда йилнинг вақт элементи иккита белгига кенгайтирилади.

5.3.3.1 Айрим кунни кўрсатиш

Асосий формат: ±YYYYYYDDD

Мисол: +002000349

Кенгайтирилган формат: ±YYYYYY-DDD

Мисол: +002000 — 349

5.4 Ҳафта санасини кўрсатиш

Йилдаги ҳафтанинг тартиб рақами 01 дан 53 гача араб рақамлари билан ёзилади.

Душанба ҳар доим ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланади. Ҳар бир ҳафта фақат битта йилга киритилиши мумкин. Йилнинг биринчи пайшанбасини ўз ичига оладиган ҳафта, йилнинг биринчи ҳафтаси ҳисобланади, ийўқса, олдинги йилнинг охириги ҳафтаси ҳисобланади.

Тартиб санасини кўрсатиш тўлиқ, камайтирилган аниқлик билан, кенгайтирилган ёки аралаш бўлиши мумкин.

5.4.1 Тўлиқ кўрсатиш

Таквим ҳафта ва кунни тўлиқ кўрсатиш, ҳарф-рақамли ифодаланишнинг бири ҳисобланади, бу ерда

YYYY — таквим йили;

W — ҳафта кўрсаткичи;

ww — йил ичидаги таквим ҳафтанинг тартиб рақамини кўрсатади;

D — таквим ҳафтадаги куннинг тартиб рақами.

Асосий формат: YYYYWwwD

Мисол: 2000 W504

Кенгайтирилган формат: YYYY — Www — D

Мисол: 200 — W50 — 4

5.4.2 Камайтирилган аниқлик билан кўрсатиш

Асосий формат: YYYWww

Мисол: 2000 W50

Кенгайтирилган формат: YYY — Www

Мисол: 2000 — W50

5.4.3 Қискартирилган кўрсаткиш

Қискартирилган кўрсатишнинг асосий формати куйида кўрсатилган.

5.4.3.1 Кўриб чиқилаётган юз йилликдаги йил, ҳафта ва кун

Асосий формат: YYWwwD

Мисол: 00W504

Кенгайтирилган формат: YY — Www — D

Мисол: 00 — W50 — 4

5.4.3.2 Кўриб чиқилаётган юз йилликдаги йил ва ҳафта

Асосий формат: YYWww

Мисол: 00W50

Кенгайтирилган формат: YY — Www

Мисол: 00 — W50

5.4.3.3 Кўриб чиқилаётган декада, ҳафта ва кун йили

Асосий формат: YWwwD

Мисол: 0W504

Кенгайтирилган формат: — Y — Www — D

Мисол: — 0 — W50 — 4

5.4.3.4 Кўриб чиқилаётган декада ва ҳафта йили

Асосий формат: — YWww

Мисол: — 0W50

Кенгайтирилган формат: — Y — Www

Мисол: — 0 — W50

5.4.3.5 Кўриб чиқилаётган йилнинг ҳафтаси ва куни

Асосий формат: — WwwD

Мисол: — W504

Кенгайтирилган формат: — Www — D

Мисол: — W50 — 4

5.4.3.6 Кўриб чиқилаётган йилдаги ҳафта

Асосий формат: — Www

Мисол: — W50

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

5.4.3.7 Кўриб чиқилаётган ҳафта куни

Асосий формат: — W — D

Мисол: — W — 4



Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

5.5 Алоҳида кун ва алоҳида ҳафтани кенгайтирилган кўрсатиш

5.5.1 Алоҳида кун

Асосий формат: ±YYYYYYWwwD

Мисол: +002000 W504

Кенгайтирилган формат: ±YYYYYY — Www — D

Мисол: +002000 — W50 — 4

5.5.2 Алоҳида ҳафта

Асосий формат: ±YYYYYYWww

Мисол: +002000 W50

Кенгайтирилган формат: ±YYYYYY — Www

Мисол: +002000 — W50

## 6 Кун вақти

6.1 Кун вақтини кўрсатиш

6.1.1 Кун вақтини кўрсатиш, 4-жадвалга мувофиқ форматларда, соат, минут, секунд тартибида ёзилади. Кўрсатиш тўлиқ, камайтирилган аниқлик билан, қисқартирилган бўлиши мумкин.

6.1.2 Соат 00 дан 24 гача иккита рақам билан ёзилади. Минут ва секундлар 00 дан 60 гача иккита рақам билан ёзилади.

6.1.3 Соат, минут ёки секундлар ўнли белги сифатида вергулдан фойдаланиб, ўнли қаср кўринишида, яъни hh,h . . . h ва х.к. нинг ўрнига, ёзилиши мумкин, бунда вақтнинг кейинги барча элементлари тушириб қолдирилади. Ушбу икки белгидан вергулдан фойдаланиш маъқулоқ.

6.1.4 Соннинг абсолют киймати бирдан кичик бўлса, ўнли белги олдида иккита ноль бўлиши мумкин.

4—жадвал

Кун вақтини кўрсатиш  
(мисоллар 23 соат 20 минут 50 секунд учун келтирилган)

Асосий формат	Кенгайтирилган формат
Тўлиқ кўрсатиш	
hhmmss	hh:mm:ss
232050	23:20:50

Асосий формат	Кенгайтирилган формат
<b>Камайтирилган аниқлик билан кўрсатиш</b>	
1 hh:mm	hh:mm
2320	2320
2 hh	Кўзлангилмайди
23	-

6.1.5 Ўнли улушдаги рақамлар сонини, қўллашга боғлиқ ҳолда ўзаро алмашишида иштираётган ташкилотлар белгилайди. формат ўнли вергудан кейин зарур миқдордаги рақамлар бўлган, соат, минут, секунд;

соат, минут;

соатни билдирадиган

hhmmss ёки

hhmm, m, ёки hh,h

ўз ичига олиши керак. Ўнли қисм қанда битта белгиси ўз ичига олиши керак.

6.2 Алоҳида соат, минут, секунд ва секунднинг ўнли қисмини кўрсатиш

Асосий формат: hhmmss, ss

Мисол: 232050, 5

Кенгайтирилган формат: hh:mm:ss, ss

Мисол: 23:20:50, 50

6.2.1 Алоҳида соат, минут ва минутнинг ўнли улуши

Асосий формат: hhmm, mm

Мисол: 2320,8

Кенгайтирилган формат: hh:mm, mm

Мисол: 23:20,8

6.2.2 Алоҳида соат ва соатнинг ўнли улуши

Асосий формат: hh, hh

Мисол: 23,3

Кенгайтирилган формат: кўзлангилмайди.

6.2.3 Камайтирилган аниқлик билан кўрсатишдан фақат 6.2.4-бандда келтирилгани каби фойдаланиш керак.

6.2.4 Кўриб чиқилаётган соатнинг маълум бир минути ва секунди

Асосий формат: -- mmss

Мисол: 2050

Кенгайтирилган формат: mm:ss

Мисол: — 20:50

6.2.5 Кўриб чиқиладиган соатнинг маълум бир минути

Асосий формат: — mm

Мисол: — 20

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

6.2.6 Кўриб чиқиладиган минутнинг маълум бир секунди

Асосий формат: — - ss

Мисол: — - 50

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

6.2.7 Соатнинг маълум бир минути, секунди ва секунднинг ўнли

улуши

Асосий формат: — mmss, s

Мисол: 2050,5

Кенгайтирилган формат: — mm:ss, s

Мисол: 20:50,5

6.2.8 Соатнинг маълум бир минути ва минутнинг ўнли улуши

Асосий формат: — mm, m

Мисол: 20,9

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

6.2.9 Минутнинг маълум бир секунди ва секунднинг ўнли улуши

Асосий формат: — - ss, s

Мисол: — - 50,5

Кенгайтирилган формат: қўлланилмайди.

6.3 Ярим тунни кўрсатиш

6.3.1 Ярим тунни тўлиқ ва кенгайтирилган кўрсатиш қуйидаги форматда ифодаланиши мумкин:

Асосий формат: 000000 (куннинг боши)

240000 (куннинг охири)

Кенгайтирилган формат: 00:00:00 (куннинг боши)

24:00:00 (куннинг охири)

6.3.2 Ярим тун одатда қуйидагича кўрсатилади:

000000 ёки 240000.

Ярим тунни кўрсатишнинг иккита усулдан бирини танлаш сана ёки вақт даври билан боғланишга боғлиқ.

hh 24 кийматга эга бўлганда кўрсатишдан, фақат вақт даврининг охири кўрсатишда фойдаланиши мумкин.

6.4 Дунё вақти тизими

6.4.1 Дунё вақти бевосита вақт кўрсатилгандан сўнг, бўш жой қолдирмасдан, ажратадиган белгисиз кўйиладиган Z ҳарфи билан белгиланади.

6.4.2 Кун вақтини Дунё вақти тизимига мувофиқ ифодалаш учун асосий ва кенгайтирилган формат қўлланилади.

Асосий формат:           hhmmssZ  
                                   hhmmZ  
                                   hhZ  
 Мисол:                     232030Z  
                                   23Z

Кенгайтирилган формат:   hh:mm:ssZ  
 Мисол:                     23:20:30Z  
                                   23:20Z

6.4.3 Маҳаллий вақт билан Дунё вақти ўртасида соатлардаги (ёки соат минутлардаги) фарқ, бевосита маҳаллий вақтдан кейин, улар ўртасида плюс (+) ёки минус (-) белгиси қўйиб ёзилади. Белги маҳаллий вақтнинг Дунё вақтидан олдинда боришини (+) ёки орқада қолишини (-) белгилайди. Бу фарқни келтиришда маҳаллий вақтни кўрсатиш «соат» элементини ўз ичига олиши керак.

6.4.4 Маҳаллий вақт 152746 (ёки 15:27:46)ни Дунё вақти билан фарқ кўрсатилган ҳолда кўрсатишга мисоллар:

1) Женевада маҳаллий вақт Дунё вақтидан бир соат олдинда  
 152746+0100 ёки 15:27:46+01:00  
 1527+01 ёки 15:27+01

2) Нью-Йоркда маҳаллий вақт Дунё вақтидан беш соат орқада:  
 152746 — 0500 ёки 15:27:46 — 05:00  
 1527 — 05 ёки 15:27 — 05

6.5 Сана ва кун вақтини бирга кўрсатиш

6.5.1 Сана ва кун вақтини бирга кўрсатиш учун санани кўрсатиш ва вақт кўрсаткичи форматлари қўлланилади.

6.5.2 Маълум бир вақт компонентларини қуйидаги кетма-кетликда ёзиш мумкин:

— таквим саналар учун:

йил — ой — кун — вақт кўрсаткичи — соат — минут — секунд — зона кўрсаткичи (Дунё вақти);

— тартиб саналари учун:

йил — кун — вақт кўрсаткичи — соат — минут — секунд — зона кўрсаткичи;

— ҳафта саналари учун:

йил — ҳафта кўрсаткичи — ҳафта — кун — вақт кўрсаткичи — соат — минут — секунд — зона кўрсаткичи.

## ГОСТ ИСО 8601-2001

6.5.3 Таквим сана ва кун вақти асосий ва кенгайтирилган форматлар бирикмаси орқали кўрсатилиши мумкин.

Асосий формат: `YYYYMMDDThhmmss`

`YYYYMMDDThhmmssZ`

`YYYYMMDDThhmmss±hhmm`

`YYYYMMDDThhmmss±hh`

Мисол: `20001214T101530`

`20001214T101530Z`

`20001214T101530+0400`

`20001214T101530+04`

Кенгайтирилган формат: `YYYY-MM-DDThh:mm:ss`

`YYYY-MM-DDThh:mm:ssZ`

`YYYY-MM-DDThh:mm:ss±hh:mm`

`YYYY-MM-DDThh:mm:ss±hh`

Мисол: `2000-12-14T10:15:30`

`2000-12-14T10:15:30Z`

`2000-12-14T10:15:30+04:00`

`2000-12-14T10:15:30+04`

6.5.4 Таквим сана ва кун вақти бирикмасини қискартирилган тарзда кўрсатиш учун асосий ва кенгайтирилган форматлардан фойдаланилади (Б илова).

6.5.4.1 Таквим сана ва куннинг маҳаллий вақти

Асосий формат: `YYYYMMDDThhmm`

Мисол: `20001214T1015`

Кенгайтирилган формат: `YYYY-MM-DDThh:mm`

Мисол: `2000-12-14T10:15`

6.5.4.2 Тартиб сана ва Дунё вақти

Асосий формат: `YYYYDDDThhmmZ`

Мисол: `2000349T1015Z`

Кенгайтирилган формат: `YYYY-DDDThh:mmZ`

Мисол: `2000-349T10:15Z`

6.5.4.3 Ҳафта санаси ва Дунё вақти билан фаркланувчи маҳаллий вақт

Асосий формат: `YYYYWwwDThhmm±hhmm`

Мисол: `2000W504T1015+0400`

Кенгайтирилган формат: `YYYY-Www-DThh:mm±hh`

Мисол: `2000-W50-4T10:15+04`

6.6 Вақт даврини кўрсатиш

6.6.1 Вақт даврини:

— бошланиш ва тугаш билан чекланган вақт давомийлиги;

— битта ёки ундан ортик элемент, бироқ бошланиш ва тугаш билан эмас, белгиланган вақт миқдори;

— давомийлиги ва маълум бир тугаш билан боғланган вақт;

— давомийлиги ва маълум бир тугаш билан боғланган вақт миқдори сифатида ифодалаш керак.

6.6.2 Бошланиш ва тугаш билан чекланган вақт давомийлиги билан ифодаланган вақт даврининг ҳар икки компоненти / (қия чизик) билан адратилиши керак.

Р кўрсаткич вақт даври давомийлигини кўрсатишдан олдин келиши керак.

6.6.3 Тўлиқ кўрсатиш

6.6.3.1 Бошланиш ва тугаш билан белгиланган даврни кўрсатиш алифбо рақамли ифодалаш ҳисобланади, бу ерда

**YYYY** — Таквим йилини кўрсатади;

**MM** — шу йил таквим ойининг тартиб рақами;

**DD** — берилган ойдаги куннинг тартиб рақами;

**hh** — соат;

**mm** — минутлар;

**ss** — секундлар.

Асосий формат: **YYYYMMDDThhmmss/ YYYYMMDDThhmmss**

Мисол: 20001214T232050/20001224T103000

Кенгайтирилган формат: **YYYY-MM-DDThh:mm:ss/YYYY-MM-**

**DDThh:mm:ss**

Мисол: 2000-12T23:20:50/2000-12-24T10:30:00

Мисол сифатида 2000 йил 14 декабрь маҳаллий вақт бўйича соат 23дан 20 минут 50 с.да бошланадиган ва 2000 йил 24 декабрда маҳаллий вақт бўйича соат 10дан 30 минут ўтганда тугайдиган вақт оралиғидан фойдаланилган.

6.6.3.2 Вақт бирлигини кўрсатган ҳолда, вақт давомийлигини кўрсатиш

Ушбу вақт даврининг давомийлиги **P** кўрсаткич олдин келадиган ўзгарувчан узунликдаги маълумотлар элементи билан кўрсатилиши керак. Йиллар сонидан кейин **Y** символи, ойлар сонидан кейин **M**, ҳарфлар сонидан кейин **W**, кунлар сонидан кейин **D** туриши керак. Кун вақти компонентларини ўз ичига олувчи қисм **M** минутлар ва **S** секундлар сонидан кейин **T** кўрсаткич билан кўрсатилиши керак.

Асосий формат

**PnYmMnDtnHnMnS,**

**PnW,**

бу ерда **n** — битта ёки бир нечта рақамдан иборат бўлган исталган бутун мушбат сон.

Мисол: P2Y10M15DT0H30M20S

Мисолда давомийлиги 2 йил, 20 ой, 15 кун, 10 соат, 30 минут ва 20 секунд бўлган вақт оралиғи келтирилган.

Мисол: P6W

Мисолда давомийлиги олти хафта бўлган вақт оралиғи келтирилган.

#### 6.7 Муқобил формат

Айирбошлашда (келишув бўйича) ҳамкорлар фақат давомийлик ёрдамида вақт оралиғини тўлиқ кўрсатишдан фойдалансалар, у ҳолда давомийликни муқобил форматда кўрсатадилар: асосий ёки кенгайтирилган.

Асосий формат: PYYYYMMDDThhmm

Мисол: P00021015T103020

Кенгайтирилган формат: PYYYY — MM — DDThh:mm:ss

Мисол: P0002-10-15T10:30:20

Мисол сифатида давомийлиги 2 йил, 10 ой, 15 кун, 10 соат, 30 минут, 20 секунд бўлган вақт оралиғи келтирилган.

6.7.1 Бошланиши ва давомийлиги билан белгиланган вақт оралиғини кўрсатиш.

Бошланиши ва давомийлиги билан белгиланган вақт оралиғини, 6.6-бандга кўра тўлиқ кўрсатишда, охириги ифодаланган ҳар доим ё асосий форматда ёки кенгайтирилган форматда бўлиши шарти билан сана ва кун вақтини ҳар қандай тўлиқ кўрсатишни бирлаштириш.

Асосий формат: YYYMMDDThhmmss/PnYnMnDnHnMnS  
 YYYMMDDThhmmss/YYYYMMDDThhmmss

Мисол: 20001214T232050/P1Y2M15DT12H30M0S  
 20001214T232050/P00010215T123000

Кенгайтирилган формат: YYY-DDDThh:mmZ

Мисол: 2000-12-14T23:20:50/P1Y2M15DT12H30M0S  
 2000-12-14T23:20:50/P0001-02-15T12:30:00

Мисолларда 2000 йил 14 декабрь соат 23 20 мин 50 с.дан бошлаб, давомийлиги 1 йил, 2 ой, 15 кун, 12 с. 30 мин бўлган вақт давридан фойдаланилган.

6.7.2 Давомийлиги тугаши билан белгиланган вақт оралиғини кўрсатиш

Давомийлиги ва тугаши билан белгиланган вақт оралиғини тўлиқ кўрсатишда давомийликни ҳар қандай тўлиқ кўрсатишдан ва ҳар қандай тўлиқ кўрсатишдан фойдаланиш зарур.

#### 6.8 Такрорланадиган вақт ораликлари

Такрорланадиган вақт ораликлари қуйидаги усуллардан бири билан ифодаланиши керак:

— такрорлашлар сони (мажбурий эмас), бошланиш ва тугаш билан;

Ушбу биринчи вақт оралиғи ифоданинг дастлабки иккита компоненти ва охириги компонентгача такрорлашлар сони билан ифодаланган такрорланадиган вақт оралиғини кўрсатади. Охириги компонент бўлмаса, такрорлашлар сони чекланмайди.

— такрорлашлар сони (мажбурий эмас) ва давомийлик билан;

Ушбу давомийлиги белгиланган вақт оралиғини ва такрорлашларнинг белгиланиш соъна эа такрорланадиган вақт оралиғини кўрсатади. Такрорлашлар сони бўлмаса, у ҳолда компонентлар сони чекланмайди.

— такрорлашлар сони (мажбурий эмас), бошланиш ва давомийлик билан;

Ушбу кейинги вақт оралиғи ифоданинг дастлабки икки компоненти ва охириги компонентгача такрорлашлар сони билан белгиланадиган, такрорланадиган вақт оралиғини кўрсатади. Охириги компонент бўлмаса, такрорлашлар сони чекланмайди.

#### 6.8.1 Ажраткич ва кўрсаткичлар

Такрорланадиган вақт интервали куйидаги қоидага кўра ифодаланлади.

Барча кўрсаткичлар R кўрсаткичдан бошланади, кейин очик жой қолдирилмасдан такрорлашлар сони (агар бўлса), ундан сўнг, очик жой қолдирилмасдан/ажраткич (кия чизик), унинг орқасидан очик жой қолдирилмасдан вақт оралиғининг ифодаси келади.

6.8.2 Такрорланадиган вақт оралиғи тўлиқ кўрсатилишини қўллашда, асосий ва кенгайтирилган форматларда кўрсаткичларни қўллаган ва такрорлашлар сони билан вақт оралиқлари кўрсатилишини қўшган ҳолда 6.6-бандга мувофиқ ифодадан фойдаланилади,

Асосий формат: Rn/YYYYMMDDThhmmss/YYYYMMDDThhmmss

Rn/PnYnMnDTnHnMnS

Rn/YYYYMMDDThhmmss/PnYnMnDTnHnMnS

Rn/PnYnMnDTnHnMnS/YYYYMMDDThhmmss

Мисол: R12/200012114T232050/20001224T103000

R12/P1Y2M15DT12H30M0S/20001214T232050

Кенгайтирилган формат: Rn/YYYYY-MM-DDThh:mm:ss/YYYYY-MM-DD-

Thh:mm:ss

Rn/YYYYY-MM-DDThh:mm:ss/PnYnMnDTnHnMnS

Rn/PnYnMnDTnHnMnS/YYYYY-MM-DDThh:mm:ss

Мисол: R12/2000-12-14T23:20:50/2000-12-24T10:30:00

R12/2000-12-14T23:20:50/P1Y2M15DT12H30M0S

R12/P1Y2M15DT12H30M0S/2000-12-14T23:20:50



**А илова**  
(маълумот учун)

**Йил кунларининг тартибли белгиланиши**

Ой кунш	Йил кунш											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
01	001	032	060	091	121	152	182	213	244	274	305	335
02	002	033	061	092	122	153	183	214	245	275	306	336
03	003	034	062	093	123	154	184	215	246	276	307	337
04	004	035	063	094	124	155	185	216	247	277	308	338
05	005	036	064	095	125	156	186	217	248	278	309	339
06	006	037	065	096	126	157	187	218	249	278	310	340
07	007	038	066	097	127	158	188	219	250	280	311	341
08	008	039	067	098	128	159	189	220	251	281	312	342
09	009	040	068	099	129	160	190	221	252	282	313	343
10	010	041	069	100	130	161	191	222	253	283	314	344
11	011	042	070	101	131	162	192	223	254	284	315	345
12	012	043	071	102	132	163	193	224	255	285	316	346
13	013	044	072	103	133	164	194	225	256	286	317	347
14	014	045	073	104	134	165	195	226	257	287	318	348
15	015	046	074	105	135	166	196	227	258	288	319	349
16	016	047	075	106	136	167	197	228	259	289	320	350
17	017	048	076	107	137	168	198	229	260	290	321	351

Ой куни	Йил куни											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
18	018	049	077	108	138	169	199	230	261	291	322	352
19	019	050	078	109	139	170	200	231	262	292	323	353
20	020	051	079	110	140	171	201	232	263	293	324	354
21	021	052	080	111	141	172	202	233	264	294	325	355
22	022	053	081	112	142	173	203	234	265	295	326	356
23	023	054	082	113	143	174	204	235	266	296	327	357
24	024	055	083	114	144	175	205	236	267	297	328	358
25	025	056	084	115	145	176	206	237	268	298	329	359
26	026	057	085	116	146	177	207	238	269	299	330	360
27	027	058	086	117	147	178	208	239	270	300	331	361
28	028	059	087	118	148	179	209	240	271	301	332	362
29	029	-	088	119	149	180	210	241	272	302	333	363
30	030	-	089	120	150	181	211	242	273	303	334	364
31	031	-	090	-	151	-	212	243	-	304	-	365

Изох — Кабиса йилда 28 февралдан кейинги ҳар бир куннинг рақамига 1 қўшиш керак.

**Б и л о в а**  
(маълумот учун)

**Сана ва кун вақтини бирга кўрсатишга мисоллар**

Сана ва кун вақтини ажратувчи белгиларсиз бирга кўрсатиш	Сана ва кун вақтини ажратувчи белгилар билан бирга кўрсатиш
1 CCYYMMDDThhmmss CCYYMMDDThhmmss CCYYMMDDThhmm 20001214T232050 20001214T2320 20001214T23	1 CCYY-MM-DDThh:mm:ss CCYY-MM-DDThh:mm CCYY-MM-DDThh 2000-12-14T23:20:50 2000-12-14T23:20 2000-12-14T23
2 CCYYMDDDDThhmmss CCYYMDDDDThhmm CCYYMDDDDThh 2000349T232050 2000349T2320 2000349T23	2 CCYY-DDDDThh:mm:ss CCYY-DDDDThh:mm CCYY-DDDDThh 2000-349T23:20:50 2000-349T23:20 2000-349T23
3 CCYYWwwDTThhmmss CCYYWwwDTThhmm CCYYWwwDTThh 2000W504T232050 2000W504T2320 2000W504T23	3 CCYY-Www-DThh:mm:ss CCYY-Www-DThh:mm CCYY-Www-DThh 2000-W50-4T23:20:50 2000-W50-4T23:20 2000-W50-4T23:

**В илова**  
(маълумот учун)

**Вақт даврларини кўрсатишга мисоллар**

1-мисол

2000 йил 12 апрель соат 23 20 мин 50 с.да бошланган ва 2000 йил 25 июль соат 10 30 мин 30 с.да тугаган вақт даврини ёзиш.

**Асосий формат:**

CCYYMMDDThhmmss/CCYYMMDDThhmmss

**Ёзув: 2000412T232050/2000625T103000**

**Кенгайтирилган формат:**

CCYY-MM-DDThh:mm:ss/CCYY-MM-DDThh:mm:ss

**Ёзув: 2000-04-12T23:20:50/2000-06-25T10:30:00**

2-мисол

2000 йил 12 апрелда бошланиб, 2000 йил 25 июнда тугаган вақт даврини ёзиш.

**Асосий формат:**

CCYYMMDD/MMDD

**Ёзув: 2000412/0625**

**Кенгайтирилган формат:**

CCYY-MM-DD/MM-DD

**Ёзув: 2000-04-12/06-25**

3-мисол

2 йил 10 ой 15 кун 10 соат 30 минут 20 с. вақт даври давомийлигини ёзиш.

**Асосий формат:**

PnYnMnDTnHnMnS

**Ёзув: P2Y10M15DT10H30M20S**

Давр давомийлиги — 6 хафта: PnW

**Ёзув: P6W**

Давр давомийлиги — 1 йил ва 6 ой.

**Асосий формат:**

PnYnM

**Ёзув: P1Y6M**

Давр давомийлиги — 72 с.

**Асосий формат:**

PTnH

ГОСТ ИСО 8601-2001

**Ёзув: PТ72Н**

Изох — Ажратувчи белгилари бўлган кенгайтирилган формат, кўлланилмайди.

4-мисол

Бошлангич ва давомийликка эга вақт даври.

Давомийлиги 1 йил 2 ой 15 кун 12 соат 30 минут бўлган, 2000 йил 12 апрель 23 соат 20 минут 50 секундда бошланган даврни ёзиш.

**Асосий формат:**

CCYYMMDDThhmmss/PnYnMnDTnHnMnS

**Ёзув: 2000412T232050/P1Y2M15DT12H30M**

**Кенгайтирилган формат:**

CCYY-MM-DDThh:mm:ss/PnYnMnDTnHnM

**Ёзув: 2000-04-12T23:20:50/P1Y2M15DT12H30M**

5-мисол

Давомийлиги тугаши бўлган вақт даври.

Давомийлиги 1 йил 2 ой 15 кун 12 соат 30 минут бўлган, 2000 йил 12 апрель 23 соат 20 минут 50 с.да тугаган даврни ёзиш.

**Асосий формат:**

PnYnMnDTnHnMnS/CCYY-MM-DDThh:mm:ss

**Ёзув: P1Y2M15DT12H30M/2000-04-12T23:20:50**

Асосий сўзлар: саналарни кўрсатиш, формат, саналарни тўлиқ кўрсатиш,  
кун вақтини кўрсатиш, Дунё вақти, вақт даври, Григориан тақвими

---

А. Хотиёва, М. Мунишев, А. Исмоилов, М. Махмудов

# **АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИГА ОИД СТАНДАРТЛАР ТЎПЛАМИ**

Босишга рухсат этилиши: 23.05.08 й.  
Бицими 60x84 Г 16-нашр.: 30. Адади 1000 нусха.  
Букирма № 088

“Ўзбекистон маркаси” нашриёти

МЧЖ “ALOQA PRINT” босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Гавхар кучаси, 125.

ISBN 978-9943-335-03-5



9 789943 335035